

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**570** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига қайта молиялаш кредитларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2201-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 22 январдаги 1/1-сон қарори (рўйхат рақами 2201, 2011 йил 23 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 7-8-сон, 80-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига қайта молиялаш кредитларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 8 октябрь,  
27/2-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Бошқарувининг 2015 йил  
8 октябрдаги 27/2-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига қайта молиялаш кредитларини бериш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил

30 мартдаги ПФ-3047-сонли «Пул массаси ўсишини чеклаш ва молия интизомига риоя этиш масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Марказий банк томонидан тижорат банкларига (бундан буён матнда банklar деб юритилади) қайта молиялаш кредитларини бериш ва уларни қайтариш тартибини белгилайди.»

2. 11-банднинг еттинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ломбард кредити олмақчи бўлган банк юқоридаги талабларга жавоб бериши билан бирга Ўзбекистон республика валюта биржасида (бундан буён матнда ЎзРВБ деб юритилади) давлат қимматли қоғозларини сақлаш ва уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш учун очилган ҳисобвараққа (бундан буён матнда ДЕПО ҳисобварағи деб юритилади) эга бўлиши лозим.»

3. 12-банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат қимматли қоғозларнинг чиқарилиш шартлари, муддатлари, ликвидлиги, эмитентларининг мавқеи ва молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Марказий банк бошқаруви томонидан мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тасдиқланадиган Марказий банк томонидан ломбард кредит таъминоти сифатида гаровга олинadиган давлат қимматли қоғозлари рўйхатига киритилган бўлиши;

давлат қимматли қоғозларининг ҳисоби ДЕПО ҳисобварағида юритилиши;

банкка мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлиги, банкнинг бошқа мажбуриятлари билан боғланмаганлиги ҳамда ДЕПО ҳисобварағининг аҳволи тўғрисидаги кўчирма билан тасдиқланганлиги;»

4. 18, 22, 23 ва 28-бандлардан «Депозитарийдаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 31-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«31. Кимошди савдолари натижаларига кўра ломбард кредитини олиш ҳуқуқига эга бўлган банklar оператори Марказий банк ҳисобланган ДЕПО ҳисобварағининг «Гаровга олинган» бўлимига зарур миқдордаги қимматли қоғозларни ўтказиш тўғрисида ЎзРВБга ДЕПО топшириқномасини ижро учун беради.»

6. 32-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«32. Банк ломбард кимошди савдолари ўтказилган куннинг эртасида соат 10:00 гача Марказий банкка банкнинг ЎзРВБга берган ДЕПО топшириқномаси нусхасини ҳамда ломбард кредитини бериш тўғрисида ўзи томонидан имзоланган шартномани тақдим этади. Топшириқномада банкнинг оператори Марказий банк ҳисобланган ДЕПО ҳисобварағининг «Гаровга олинган» бўлимига қимматли қоғозлар ўтказилганлиги тўғрисида ЎзРВБнинг белгиси қўйилиши лозим.

Ушбу ҳужжатлар (ЎзРВБга берилган ДЕПО топшириқномасининг нусхаси ва шартнома) белгиланган муддатда тақдим этилмаса, Марказий банк шартномани тузмайди ва банкка ломбард кредитини бермайди.»

7. 34-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Валюта биржаси Депозитарийси» деган сўзлар «ЎзРВБ» деган сўз билан алмаштирилсин.

8. 35-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«35. Гаровга олинган давлат қимматли қоғозларнинг ҳисоби банкнинг ДЕПО ҳисобварағининг «Гаровга олинган» бўлимида юритилади, ушбу бўлимининг оператори Марказий банк ҳисобланади.

Банкнинг оператори Марказий банк ҳисобланган ДЕПО ҳисобварағининг «Гаровга олинган» бўлимига давлат қимматли қоғозларни ўтказиш ЎзРВБ томонидан банкнинг ДЕПО топшириқномасига асосан амалга оширилади. «Гаровга олинган» бўлиmidан банкнинг ДЕПО ҳисобварағининг бошқа бўлимларига давлат қимматли қоғозларини ўтказиш ЎзРВБ томонидан фақат Марказий банк ДЕПО топшириқномасига асосан амалга оширилади.»

9. 37-банддаги «Депозитарийга» деган сўз «ЎзРВБга» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 70-бандда:

«Гаров сифатида олинган давлат қимматли қоғозлари» деган сўзлар «Гаров сифатида олинган қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«Депозитарийдан» деган сўз «ДЕПО ҳисобварағидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

11. 71-бандда:

«Олинган кредитлар ва лизинглар бўйича гаровга берилган давлат қимматли қоғозлари» деган сўзлар «Олинган кредитлар ва лизинглар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«Депозитарийдан» деган сўзлар «ДЕПО ҳисобварағидан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

12. 74-банднинг саккизинчи хатбошисидаги «Олинган кредитлар ва лизинглар бўйича гаровга берилган давлат қимматли қоғозлари» деган сўзлар «Олинган кредитлар ва лизинглар бўйича гаров сифатида берилган қимматли қоғозлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

13. 2-илова ушбу ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

14. 6-иловадаги «Депозитарийдаги» деган сўзлар «Ўзбекистон республика валюта биржасидаги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий  
банки томонидан тижорат банкларига қайта  
молиялаш кредитларини бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартиришларга  
ИЛОВА

«Ўзбекистон Республикаси Марказий  
банки томонидан тижорат банкларига қайта  
молиялаш кредитларини бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Ўзгармас фоиз ставка бўйича ломбард кредитини  
олиш тўғрисида  
АРИЗА**

Рақами \_\_\_\_\_

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

(қарз олувчи банк номи)

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳар Бош  
бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса марказидаги вакиллик ҳисобварағининг ра-  
қами \_\_\_\_\_

Алоқа манзилгоҳи: \_\_\_\_\_

телефон: \_\_\_\_\_ факс: \_\_\_\_\_

20\_\_ йилнинг «\_\_» \_\_\_\_\_дан 20\_\_ йилнинг «\_\_» \_\_\_\_\_гача  
йиллик \_\_\_\_\_ фоиз ломбард фоиз ставкаси бўйича \_\_\_\_\_ сўм  
(сумма рақамларда ва сўз билан ёзилади)

миқдорида ломбард кредити беришингизни сўраймиз.

Кредит суммасини юқорида қайд этилган вакиллик ҳисобварағига ўтка-  
зишингизни сўраймиз.

Кредитни таъминлаш учун Ўзбекистон республика валюта биржасидаги  
\_\_\_\_\_ -рақамли ДЕПО ҳисобварағимизнинг «Гаровга олинган»  
(оператори Марказий банк ҳисобланган) бўлимидаги давлат қимматли қоғоз-  
ларни ўтказамиз.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкла-  
рига қайта молиялаш кредитларини бериш тартиби тўғрисидаги низом та-  
лабларига риоя этилганлигини тасдиқлайман.

**44 (700)-сон**

**— 113 —**

**570-571-моддалар**

Ўзбекистон республика валюта биржасидаги ДЕПО ҳисобварағидан кўчирма нусхаси илова қилинади.

Банк ваколатли  
шахсининг имзоси \_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)

М.Ў.

Марказий банк томонидан тўлдирилади

Аризанинг қайд рақами \_\_\_\_\_

Ариза келиб тушган сана 20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Ҳужжатларни қабул қилиш учун  
масъул шахс имзоси \_\_\_\_\_

(Ф.И.О.)».